

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Каттақүрғон шаҳар ҳокими

Г.З.Алимова

2022й

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ
Каттақүрғон-2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йурикнома
2. Техник кисм
3. Нархлар кисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

- 1.2. Танлов предмети: Каттақүрғон шаҳар ҳокимлиги Ёшлар дафтарида турган фукароларга компьютер жамланмаси олиш учун
- 1.3. Танлов охирги киймати – Каттақүрғон шаҳар ҳокимлиги Ёшлар дафтарида турган фукароларга компьютер жамланмаси олиш учун жами 7 800 000 сум
Ушбу кийматдан ортиқ кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва қуриб чиқилмайди.
- 1.4. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник кисмда илова килинган.
Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Каттақүрғон шаҳар ҳокимлиги (бундан кейин «Буюртмачи» деб аталади) –танлов ташкилотчиси хисобланади.
«Буюртмачи» манзили: Самарқанд вилояти Каттақүрғон шаҳар А. Темур кўчаси 4- уй.
- 2.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар ўтказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади.
- 2.3. Танлов Каттақүрғон шаҳар ҳокимлиги «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишига ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйдаги малакавий талаблар куйилади:
Танлов предмети кийматининг камида 30 фоизи микдоридаги айланма маблагларнинг ёки курсатиб ўтилган маблагларни беришга банк кафолатномаси ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресуслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- Шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;
- Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- танлов обьектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50 фоиздан кам булмаган холда);
- Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предметни булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан баглик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди;

Кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий –хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўtkазиш учун жойлаштирилиши лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ўзбек тилида тақдим қилиниши лозим.
- 4.3. Кушидаги хужокатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:
 - Техник таклиф, Фирменни биланкада имзоланган, номерланган ва мухирланган холда;
 - Техник хужжатлар руйхати (брошурулар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар руйхати илова қилинади);
 - Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тулдирилиши лозим.
- 4.4. Танлов иштирокчиси:
 - Фақат битта таклиф бериши мумкин;
 - Тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
 - Таклиф бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

- 5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли холда элон қилинган муддатдан яни 5 календар кунга узайтирилиши мумкин.
- 5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.
- 5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлалилар.
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужокатларига ўзгартеришлар киритиш түгрисида танловда иштирок этиш учун таклиф бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартеришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужокатларига ўзгартеришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш түгрисида эълонга ўзгартеришлар киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужокатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шакилда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужокатларининг қоидаларига доир тунунтиришлар уларнинг мазмун-маҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш түгрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига туғишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужокатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан белгиланган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилди.